

ЖАЛҚ СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ.
ШАВВАЛ, 26-КУН.
ШАМСИЙ,
1371 ЙИЛ.
САВР, 9-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 29 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА, 82-СОН • 333 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЯН.
СОТУВДА 1 СЎМ.

Ўзбекистон—
Туркия:

ҚОНДОШ, ЖОНДОШ, ДИНДОШ БИРОДАРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ДИЛИМИЗ БИР— ТИЛИМИЗ БИР

Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги делегация 27 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон парламенти аъзолари билан учрашди. Самимий вазиятда ўтган бу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Туркия Бош вазири С. Демирэл нутқ сўзладилар. Қуйида ана шу нутқларнинг баъни эълон қилинади.

Ўзбекистон истиклолини худди ўз истиклоли каби қабул қилган ким? Туркия! Ким бизнинг эндигина оёқда тураётган чақалоқ давлатимизни биринчи бўлиб расман тан олди? Туркия! Ким биз оғир иқтисодий аҳволдан чиқайтган пайтимида биринчи бўлиб мадад қилини буюрди? Туркия! Биз, ўзбеклар бунни ҳеч қачон унутмаймиз.

Муस्ताқиллик йўлига ўтиб, биз кимга ва қайси давлатга умид боғладик? Албатта, Туркия! Орадаги қондошлик, қариндошлик иллари неча асрлар айрилиқда яшан бўлмайлик, узинманган экан. Кўнгил кўнгилдан сув ичар экан.

Муस्ताқиллик йўли — оғир йўл. Муस्ताқиллик йўлидан юришни ўзи бўлмайди. Бир ярим асрча бегоналарга қарам бўлиб, бегоналарнинг йўлидан юришга мажбур бўлиб, эндиликда бирдангга қадин ростлаб, дадил қадамлар ташлаб кетиш осон эмас...

Муस्ताқилликнинг дастлабки даврида кўпчилик ёш давлатлар ёлғизлик аэобини бошдан кечирганлар. Биз эса, мен бутун шу сўзларни алоҳида мамунунинг билан айтаман, биринчи кунлардан бери орзу қилган истиклолга эришди. Юртимиз тепасида озодлик байроғи кўтарилди.

Бизнинг асрий орзуларимиз амалга ошганида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони

ИШБИЛАРМОНЛАР ДАВРАСИДА

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркия Жумҳурияти Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги делегация билан учрашди. Мазкур учрашув Ўзбекистон ҳукумати вазирлари, ишбилармонлари, саноат, молия ва банк мутоахассислари иштирокида ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги иқтисодий ва саноат алоқаларини бошқича кўтарилаётгани ўзаро мулоқот жараёнида яққол намоён бўлди. Туркия иқтисодиёти равангига раҳнамо бўлган нуфузли доираларнинг таънидлашчи, Ўзбекистон бундан кейин муस्ताқил давлат сифатида эркин фасолият кўрсатишга ўтар экан, бозор муносабатларининг барча талаблари, хусусан, давлат тасарруфида бўлган корхоналарни хусусийлаштириш, том маънодаги демократик асосларни шакллантиришга қўриб дунё миёнида иш юритишга қодир давлат бўлади.

Бозор муносабатларига эркинлик ва тадбиркорлик ҳосилди. Ҳозир Ўзбекистонда тижорат ишларини тадбиркорлик билан йўлга қўйиш учун вазиет етилмоқда. Бу борада Туркия ҳукумати, мутоахассислари кўмагидан самарали фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентини бозор муносабатларига дастлабки қадамларни қўйётган эканми, туган йўлимиз халқимиз фаровонлигига чинакамгина хизмат қилганидан тўғри йўл эканлигига аминимиз, деди.

Энди амалда узоқни кўзлаб иш юритишимиз лозим. Ўзбекистоннинг келажоғи — навбирон, ишчан авлод етишиб чиқмоқда, улар қардош турк ишбилармонлари кўмагида малака орттириладилар, қурилиш, банк, молия вазирлари ва бошқа ишбилармонлардан иборат расмий делегация аъзолари билан учрашди. Мазкур учрашув Ўзбекистон ҳукумати вазирлари, ишбилармонлари, саноат, молия ва банк мутоахассислари иштирокида ўтди.

У. МИРЗАЕВОВ,
ЎЗА мухбири.



ТОШКЕНТДА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

28 апрель куни Тошкентда Туркия Республикасининг элчихонаси тантанали вазиятда очилди.

Туркия Республикасининг расмий делегация аъзолари тушган автомобиллар карвони Гоголь кўчасидаги шинан бино ёнига аниқ белгиланган вақтда етиб келди. Шу пайт бу ерда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг намоёндалари, журналистлар йиғилган эдилар. Бу воқеага қизиккиш ўринли. Иккала давлат ўртасидаги дўстона алоқалар сиёсий турмушдагина эмас, иқтисодий, ишбилармонлик, маданият соҳасида ҳам кенг қўламада ривож топди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. А. Каримов билан Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл муваққат минбарга чиқадилар.

Тошкентда Туркия Республикаси элчихонасининг очилиши — тарихий воқеа, деди ўз нутқида С. Демирэл. — Халқимизда шундай ишонч бор: ёмғир ёққан кун қўлуғ келади. Кўриб турибсизки, бугун табииатнинг ўзи бизнинг

● ТУРКИЯ Республикаси

расмий делегацияси аъзолари билан Ўзбекистон парламентида учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятларнинг ҳокимлари, республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэл нутқ сўзладилар.

СУРАТДА: олий мартабали меҳмонга ўзбек удумига кўра зарбоф тўн кийдирилмоқда. Р. ЖУМАНИЕЗОВ ва Ф. ҚУРБОНБЕКОВ олган сурат. (ЎЗА).



● ЎЗБЕКISTON Республикаси Президенти И. А. Каримов Бош вазири С. Демирэл бошчилигидаги Туркия Республикасининг расмий делегацияси аъзолари билан учрашди. СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА РЕСПУБЛИКА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нархлар охиб бораётган шартда вақти матбуотнинг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг молиявий аҳолини ахшилаш ҳамда моддий техника негизини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва республика фуқароларининг ҳар томонлама ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўйга чиқариш мақсадида:

1. 1992 йилда вақти матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ қимматлаш бўлаётган ҳаракатларни қоплашга республика бюджетидан 100 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилсин. Қўлтида республика бюджетидан ана шу мақсадларга маблағ ажратилиши кўзда тутиш зарур деб топилсин.

2. 1992 йилда вақти матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ қимматлаш бўлаётган ҳаракатларни қоплашга республика бюджетидан 100 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилсин. Қўлтида республика бюджетидан ана шу мақсадларга маблағ ажратилиши кўзда тутиш зарур деб топилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари маҳаллий матбуот, телевидение ва радионинг пул билан ва моддий-техникавий воситалар билан таъминлашни, шу жумладан бюджетга кирмайдиган, жалб қилинган маблағлар ҳисобидан таъминлашни янада яхшилаш масалаларини кўриб чиқсинлар.

СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ— ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ФАҲРИЙ ФУҚАРОСИ

Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қарори билан Туркия Бош вазири жаноб Сулаймон Демирэлга тури ва ўзбек халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси учун Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси (нағданоши) унвонини беришни ва унга пойтахтининг раёсий калити топширилади.

